

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА ФИРУЗА МИРЗАКИРОВНА**

**БОЛАЛАРДА ЭССЕНЦИАЛ АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИДА ЭНДОТЕЛИЙГА БОҒЛИҚ ХАВФ ОМИЛЛАРИ  
(ТАШХИС МЕЗОНЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ)**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Ахмедова Фируза Мирзакировна**

Болаларда эссенциал артериал гипертензиянинг  
шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омиллари  
(ташхис мезонлари ва профилактикаси)..... 3

**Ахмедова Фируза Мирзакировна**

Эндотелий-зависимые факторы риска формирования  
эссенциальной артериальной гипертензии у детей  
(критерии диагностики и профилактика)..... 22

**Akhmedova Firuza Mirzakirovna**

Endothelial-dependent risk factors of essential  
arterial hypertension development in children  
(diagnostic criteria and prevention)..... 40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 44

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА ФИРУЗА МИРЗАКИРОВА**

**БОЛАЛАРДА ЭССЕНЦИАЛ АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИДА ЭНДОТЕЛИЙГА БОҒЛИҚ ХАВФ ОМИЛЛАРИ  
(ТАШХИС МЕЗОНЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ)**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib303 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Агзамова Шоира Абдусаламовна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Шамсиев Фуркат Мухитдинович,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ахмедова Инобат Мухамеджановна,**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ \_\_\_\_\_ билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В.Алимов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э.А.Шамансурова,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И.Ахмедова,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда эссенциал артериал гипертензия (ЭАГ) энг кўп тарқалган юрак-қон томир касаллиги (ЮҚТК) ва дунё бўйича энг долзарб тиббиёт муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ноинфекцион касалликлар (НИК) туфайли юзага келадиган ўлимнинг асосий сабаби ЮҚТК (48%) ҳисобланмоқда. Барча ўлим ҳолатларига 13% юқори артериал қон босими (АҚБ) сабаб бўлиб, улардан 51% инсульт ва 45% юрак ишемик касалликлардан кейин содир бўлмоқда»<sup>1</sup>. ЭАГ келиб чиқиши болалик давридан бошланиб, 40% дан 60% гача болаларда, кейинчалик катталиқ даврида, юрак ишемик касаллиги ва гипертоник касалликка ўтади. Болаларда ЭАГнинг кўп учраши, вақтида ташхис қўйилмаслиги ва профилактика ишларининг самарасизлиги, ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болаларда ЭАГнинг турли вариантлари шаклланиши ва кечинининг клиник-иммунологик жиҳатларини ўрганиш, уни ташхислаш ва самарали даволашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болаларда ЭАГнинг кечилишида эндотелиал дисфункция (ЭД)нинг аҳамияти ҳамда унинг иммунологик ва гемодинамик маркерларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳозирги кунда алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, болалар саломатлигини ҳимоялашда касалликнинг юзага келишига сабабчи генетик маркерларни аниқлаш, инсульт ва юрак ишемик касалликларида ЭД маркерларини аниқлаш, даволаш самарадорлигини таъминлаш, беморлар ҳаёти сифатини яхшиловчи турли профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, янги патогенетик даволаш ва ташхислаш усулларни ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, болалик давридаги ўлимни камайтириш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, жумладан, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ЮҚТКни эрта ташхислаш, артериал гипертензия шаклланишида гемодинамикани меъёрлаш ва даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> World Health Organization [Internet]. United Nations to establish WHO-led interagency Task Force on the Prevention and Control of Noncommunicable Diseases. Geneva: WHO; 2013. Available from:

[http://www.who.int/dg/mediacentre/news/notes/2013/ncds\\_ecosoc\\_20130](http://www.who.int/dg/mediacentre/news/notes/2013/ncds_ecosoc_20130) [accessed 5 August 2013].

<sup>2</sup> «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли Президент Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йилнинг 25 декабридаги ПҚ-2650-сонли «2018–2022 йилларда туғма наслий хасталикларни эрта аниқлаш бўйича давлат дастури» ва 2019 йилнинг 6 майидаги ПҚ-4310-сонли «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижлик муаллифларнинг маълумотларига кўра, 0,7% дан 33,0% гача ўсмир ёшдаги болаларда ЭАГ учраши ва сўнгги йилларда АҚШ, Япония, Европа мамлакатларида касалланиш даражасининг ортиб бориши кузатилмоқда. Тизимли шарҳ, мета-таҳлил, рандомизацияланган назорат қилинувчи тадқиқотлар асосида бемор болаларнинг таҳлил қилинган гуруҳи бир хилда эмаслиги ва бунинг оқибатида болаларда ЭАГнинг аниқ ташхиси ва профилактикаси бўйича тадқиқотларнинг камлиги ва бир-бирига зид эканлигини кўриш мумкин (Александров А.А. ва бошқ., 2018; Flynn J.T. et al., 2017; Prasad S. et al., 2017; Tony L. et al., 2016; Williams B. et al., 2018).

Бугунги кунда Европа гипертензия жамияти ва Европа кардиологлар жамияти томонидан “Болалар ва ўсмирларда артериал гипертензия (АГ)ни назорат қилиш” бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва жорий этилган (2009). “Америка педиатрия академиясининг болалар ва ўсмирларда юқори АҚБ скрининги ва менежменти” бўйича амалий тавсиялар янгиланган (2017). Россия Федерациясида кардиологларнинг Бутунроссия илмий жамияти экспертлари кўмитаси, Россия болалар кардиологлари ассоциацияси ва артериал гипертензия бўйича Россия тиббий жамияти томонидан Европа гипертензия жамиятининг тавсияларига мувофиқ болалар ва ўсмирларда АГни ташхислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича тавсиялар қайта кўриб чиқилган (2009). Ҳозирги кунда мамлакатимизда болаларда ЭАГни ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқиш дастлабки босқичда.

Болаларда ЭАГнинг патогенетик жиҳатлари ханузгача тўлиқ очиқ берилмаган (Арсентьев В.Г. ва бошқ., 2018; Jurko A.J. et al., 2016; Litwin M. et al., 2016; Naha N.K., et al., 2016; Strambi M., et al., 2016), ЭАГ билан ассоциацияланган асосий омиллардан бири – ЭДнинг триггер механизмларини аниқлаш эса талаб қилинмоқда. Сўнгги йилларда олиб борилган қатор

патофизиологик ва клиник тадқиқотларда ЭДнинг муҳим маркерлари сифатида азот оксиди, эндотелин ва цитокинларнинг роли кўрсатиб берилди. Муаллифлар эндотелий функцияси бузилганлигининг ифодаланганлиги касаллик клиник кечишининг оғирлик даражасига таъсир қилиши ҳақида хулоса чиқардилар (Афлятумова Г.Н. ва бошқ., 2017; Самолук М.О. ва бошқ., 2019; Шабров А.В. ва бошқ., 2016; Marhol A., et al., 2015). Болаларда ЭАГнинг шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омилларини аниқлаш касалликни ташхислаш, бирламчи ва иккиламчи профилактикасини оптималлаштиришга имкон яратади.

Юқоридаги келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, болалардаги қонтомир касалликларини камайтириш ва уларни даволаш самарадорлигини ошириш муаммоси педиатриянинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, хусусан, ПЗ-20170928688-сонли «Болалар ва ўсмирларда артериал гипертензиянинг диагностикаси ва профилактикасининг скрининг усулларини ишлаб чиқиш» (2018–2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда эссенциал артериал гипертензиянинг шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омилларини аниқлаш, ташхислаш ва профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда ЭАГнинг учраш частотаси ва хавф омилларини аниқлаш;

ЭАГнинг клиник кечишига кўра болаларда вегетатив гомеостаз ва тизимли яллиғланиш кўрсаткичларини аниқлаш;

болаларда ЭАГ шаклланишида ЭДнинг гемодинамика ва биокимёвий маркерларини аниқлаш;

болаларнинг D витамини билан таъминланганлиги, ЭД маркерлари ва ЭАГ ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

болаларда ЭАГ шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омилларини ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш;

болаларда ЭАГ профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабдаги 13–16 ёшгача бўлган 408 нафар ўқувчилар текширилиб, улардан рандомизация усули билан танлаб олинган 132 нафар ўқувчи олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва зардоби биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

болалар норационал овқатланиши натижасида қонда паст зичликдаги липидлар (ПЗЛ) миқдори ортиши ва юқори зичликдаги липидлар (ЮЗЛ)

миқдорининг кескин пасайиши болаларда ЭАГ ривожланишига сабаб бўлиши исботланган;

дислипидемия ва тизимли яллиғланиш натижасида елка артерияси (ЕА) диаметрининг қисқариши ва уйқу артерияси интима-медиа деворининг қалинлашуви оқибатида болаларда қон босими ортиши аниқланган;

болалар ЭАГда яллиғланишга хос омиллар (СРО ва ФНО- $\alpha$ ) миқдорининг ортиши ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) цитокинлар миқдорининг пропорционал камайиши вегетатив нерв тизимининг зўриқиб ишлаши билан боғлиқлиги асосланган;

болалар эссенциал артериал (лабил ва стабил) гипертензиясида ЭД маркери эндотелин-1-21 миқдорининг ортиши ва зардобдаги 25(ОН)D метаболити миқдорининг танқислиги билан боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бор болаларда ЭАГ ривожланиши частотаси ва хавф омиллари баҳоланган;

болаларда эндотелийга боғлиқ вазодилатация фаолияти бузилишида артерия қон томирлари деворлари қалинлигини аниқлаш зарурлиги асосланган;

АГ шаклланишининг эрта босқичларида яллиғланишга хос ва гемодинамик бузилишлар маркерлари миқдорини аниқлаш зарурлиги исботланган;

болаларда ЭАГ ривожланиш хавфини аниқлаш ва ташхислаш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текширув усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда ЭАГ шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омилларини аниқлаш борасида республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. Болалар ЭАГда яллиғланишга хос омиллар (СРО ва ФНО- $\alpha$ ) миқдорининг ортиши ва яллиғланишга қарши (ИЛ-10) цитокинлар миқдорининг пропорционал камайиши вегетатив нерв тизими, ЭД маркери эндотелин-1-21 ва D витамин миқдори билан боғлиқлигининг аниқланиши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЭАГ шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омилларининг таклиф этилган ташхис мезонлари ЭДни эрта аниқлаш, D витамини препаратини соғлом турмуш тарзи элементлари (DASH парҳези бўйича овқатланиш ва мос равишда жисмоний фаоллик) билан биргаликда қўллаш усули асосида ишлаб чиқилган профилактик тадбирлар касаллик ривожланишининг олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда ЭАГнинг шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омилларини аниқлаш, ташхислаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда артериал гипертензия: модуллаштирилмаган ва потенциал бартараф қилинувчи хавф омиллари ва уларни баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 апрелдаги 8н-д/95-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда ЭАГ шаклланишини эрта ташхислаш, унинг асоратлари олдини олиш ва самарали даволашга имкон яратган.

«Болаларда эссенциал артериал гипертензияда эндотелиал дисфункцияни ташхислаш усуллари ва унинг профилактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 апрелдаги 8н-д/95-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болалар ЭАГ ривожланишида ЭДни эрта ташхислаш ва асоратлари ривожланишининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишга имконият яратган;

болаларда ЭАГ шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омилларининг ташхис мезонлари ва улар профилактикасининг самарали усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 4-сонли оилавий поликлиника, Бухоро вилояти Жондор тумани кўптармоқли марказий поликлиника ва Самарқанд шаҳар 3-сонли оилавий поликлиника амалиётларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 8н-з/163-сонли маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини оширади, болаларда ЭАГ ривожланишини барвақт аниқлаш ва назорат қилиб туриш, асоратлар олдини олиш, уларни камайтириш ва самарали даволаш чора-тадбирларини қўллашга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, илмий ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда эссенциал артериал гипертензиянинг шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омиллари ҳақида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлардан олинган маълумотлар шарҳи келтирилган. Адабиётлар шарҳида вегетатив нерв тизимининг функционал ҳолати, яллиғланиш омиллари ва организмнинг D витамини билан таъминланганлигининг болалар ЭАГида ЭДнинг шаклланишидаги роли ҳақида замонавий қарашларнинг таҳлили ёритиб берилган. Болаларда ЭАГнинг шаклланишида эндотелийга боғлиқ хавф омилларини ташхислаш ва профилактика усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Назоратдаги болаларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, материаллари ва усулларига таъриф берилган. Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 246- ва 98-сонли мактабларнинг 13 ёшдан 16 ёшгача (ўртача ёш  $14,64 \pm 0,19$ ) бўлган 408 нафар ўқувчилари скрининг текширувдан ўтказилди, рандомизация усули билан танлаб олинган 132 нафар мактаб ўқувчиси 2015–2019 йиллар мобайнида 54-, 56-сонли оилавий поликлиникалари, Шаҳар Ўсмирлар диспансери базаларида проспектив текширувда ва кузатувда бўлдилар. Нишон-аъзоларнинг шикастланишисиз ЭАГнинг I даражаси (Россия тавсияномаси, 2009 й.) ва меъёрий ва юқори меъёрий артериал қон босими (ЮМАҚБ) мавжуд, 6 ой мобайнида сурункали инфекция ўчоқларининг зўрайиши кузатилмаган болаларни клиник тадқиқотга киритиш мезонлари, буйрақларнинг туғма аномалиялари, эндокрин патологияси, иккиламчи ёки симптоматик АГ, ЭАГ II даражаси, соматик патологиянинг зўрайиш босқичида бўлган болалар клиник тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари ҳисобландилар. Болаларни гуруҳларга тақсимлаш АҚБ кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилди: назорат гуруҳи – АҚБ меъёрда бўлган болалар ( $n=43$ ), таққослаш гуруҳи – ЮМАҚБ – 42 ва 2, асосий гуруҳлар – лабил артериал гипертензияси (ЛАГ) бўлган болалар – 25 ва стабил артериал гипертензияси (САГ) бўлган болалар – 22. Стандарт усулларни қўллаш орқали комплекс текширувлар олиб борилди: сўровнома ўтказиш, анте- ва постнатал анамнезни йиғиш, наслини, муҳит омилларини ўрганиш, клиник текширувлар (АҚБни ўлчаш); ЖССТ мезонлари (2009 й.) бўйича антропометрия ўтказиш; Таннер схемаси (1962 й.) бўйича жинсий етилганлик босқичларини аниқлаш; соматик статусини ўрганиш. Биокимёвий ва иммуно-

логик текширувлар: глюкоза, зардобнинг липид профили, юқори даражада сезгир бўлган С-реактив оқсил, ФНО- $\alpha$ , ИЛ-10, кортизол, 25(OH)D, эндотелин-1-21 миқдорини аниқлаш. Инструментал текширувлар: электрокардиография, кардиоинтервалография, ўнг ва чап умумий уйқу артерияси ва ЕАнинг диаметрини ўлчаш билан ЕА ва эндотелий функциясининг тезкор кўрсаткичларини ҳамда умумий уйқу артерияси интима-медиа комплексининг қалинлигини (УУА ИМКК) дуплексли ультратовушли сканерлаш. Рақамли материалларга тиббий статистика ёрдамида ишлов берилди.


Диссертациянинг **“Шахсий тадқиқот натижалари. Болаларда эссенциал артериал гипертензиянинг хавф омиллари ва унинг клиник характеристикаси”** деб номланган учинчи бобида ўқувчи болаларда ЮМАҚБ, АГ, хавф омилларининг учраши бўйича текширув натижалари ва ЭАГнинг клиник кечиши кўрсатиб берилган. 408 нафар мактаб ўқувчиларини скрининг текширувдан ўтказиш шуни кўрсатдики, 319 нафар (78,2±2,0%) болалар АҚБ меъёрий кўрсаткичга эга бўлди (АҚБ даражаси <90 перцентил кўрсаткичларига мос келди), 42 нафар (10,3±1,5%) ўқувчиларда – ЮМАҚБ (САҚБ ёки ДАҚБ кўрсаткичлари ≥90 ва <95 перцентил орасида) ва 47 нафариди (11,5±2,5%) – АГ аниқланди (≥95 перцентил). Корреляцион таҳлил натижасида юқори меъёрий САҚБ ( $r=0,85, p<0,001$ ), ДАҚБ ( $r=0,68, p<0,01$ ) ва болаларнинг жинси орасидаги яқин ижобий алоқа аниқланди. ЮМАҚБ ва болалар ёши орасида ҳам шунга ўхшаш алоқа аниқланди ( $r=0,77, p<0,001$  ва  $r=0,48, p<0,05$ , САҚБ ва ДАҚБ учун мос равишда). АГ да ДАҚБ, жинси ва ёши орасидаги ўзаро алоқа йўқолади. Бироқ САҚБ АГда жинси ( $r=0,60, p<0,01$ ) ва ёши ( $r=0,49, p<0,05$ ) билан корреляцияланади.

132 нафар болаларда ЭАГ шаклланиши хавф омилларининг ўзига хослиги ҳар бир омил учун интеграцион хавф (X) коэффиценти кўрсаткичларини ҳисоблаш орқали жинсга боғлиқ ҳолда ўрганилди. АГ ривожланишида етакчи хавф омилларининг даражавий ўрни X бўйича ёшдан қатъий назар қуйидаги тартибда тақсимланди (1-расм): камайиб бориш тартибида болаларда АГ шаклланиши эҳтимолини 6,7 бараварга ошириши мумкин бўлган “қариндошликнинг 1 даражаси бўйича ЮҚТКнинг мавжудлиги”, “кам жисмоний фаоллик” ва “норационал овқатланиш” омиллари иккала жинсда ҳам энг кўп аҳамиятга эга бўлди; “тўнғич фарзанд синдроми” энг кам аҳамиятга эга бўлган омил ҳисобланди. Ўғил болалар учун фақат “МАТнинг перинатал шикастланиши”, “кам вазн билан туғилиш” ва “ошқозон-ичак тракти аъзолари касалликлари”, қиз болалар учун эса – “қариндошликнинг 2 даражаси бўйича ЮҚТКнинг мавжудлиги” ва “тавда тузилишининг бузилиши ва яссиоёқлик” аҳамиятли ҳисобланди.

Болаларда ЭАГ кечишининг клиник хусусиятлари жисмоний ва жинсий ривожланиш параметрлари, соматик профил, шикоятлар характеристикаси, ЭКГ текширувлар, гематологик кўрсаткичлар ва липидлар алмашинувининг ўзига хослиги бўйича баҳоланди.

Ёшга нисбатан бўй кўрсаткичлари бўйича 14 ёшда қиз болаларга (10, 15,9%) нисбатан 21 нафар ўғил болаларда (43,8%) энг катта оғишлар вариацияси аниқланди. Айнан шундай тенденция қизларга нисбатан (11, 17,7%)

Ўғил болаларда (15, 23,4%) частотанинг бироз пасайиши билан 15 ёшда ҳам кузатилди. Тана вазни индекси (ТВИ) параметрлари бўйича озикланишнинг бузилиши (ОБ) қиз болаларда “ортиқча вазн” (3, 15,9%) ва ўғил болаларда бу нарсанинг мавжуд эмаслиги билан, “ортиқча вазн хавфи”нинг устунлиги билан ўғил болаларга нисбатан (3,39,6%) қиз болаларда (8, 47,6%) аҳамиятли бўлди. 15 ёшга келиб тескари тенденция: “ортиқча вазн хавфи” (2,3,1%), “ортиқча вазн” (3,4,7%) ва “ўрта даражадаги озғинлик” (4,6,45%)нинг устунлиги билан ўғил болаларда (21,32,8%) ОБ частотасининг ошиши кузатилади. Қиз болаларда ОБ частотаси 27,4% га камаяди (17), бироқ ортиқча вазнга эга бўлган ўсмирлар сони сақланиб қолади (4, 6,45%).



1-расм. Интеграцион хавф (X) бўйича текширувдан ўтган болалар орасида АГ ривожланишида етакчи хавф омилларининг даражавий ўрни

Қиз болаларда ОБ 27,4% (17) гача пасаяди, бироқ ортиқча вазнга эга бўлган ўсмирлар сони сақланиб қолади (4, 6,45%). 16 ёшда аёлларга (5, 25,0%) нисбатан эркак жинсидаги (8, 44,4%) ўсмирларда ОБ частотаси ошади ва ортиқча вазнга эга бўлган ўсмирлар учрамайди. Корреляцион таҳлил натижасида ЮМАҚБда ТВИ ва САҚБ билан кучли алоқа ( $r=0,80$ ,  $p<0,001$ ), бироқ ДАҚБ билан ўртача тўғри алоқа ( $r=0,56$ ,  $p<0,01$ ) аниқланди. Бироқ АГда ушбу алоқалар ўз кучини йўқотади ва турли йўналишларга эга бўлади (САҚБ ва ДАҚБ учун мос равишда  $r=0,31$ ,  $p<0,05$  ва ( $r=-0,30$ ,  $p<0,05$ ). Шунингдек, ЮМАҚБда бўй ва САҚБ, ДАҚБнинг кўрсаткичлари орасида кучли тўғри алоқа (САҚБ ва ДАҚБ учун мос равишда  $r=0,86$ ,  $p<0,001$  ва  $r=0,80$ ,  $p<0,001$ ) аниқланди. Бироқ АГда ДАҚБ параметрлари билан алоқа йўқолади ва САҚБ учун сақланиб қолади ( $r=0,67$ ,  $p<0,01$ ).

Болаларни клиник кўриқдан ўтказишда шу нарса аниқландики, текширувдан ўтган барча ўсмирлар пубертат даврига ўтганлар: Таннер бўйича ҳам ўғил, ҳам қиз болаларда жинсий етукликнинг 4 ва 5 босқичлари даражаси аниқланди. Болаларнинг соматик профили АГ (таянч ҳаракат (54,5%), асаб (45,4%), овқат ҳазм қилиш (36,4%), нафас (27,3%) тизими даражасида) ва ЛОР аъзолари билан ассоциацияланган функционал ва патологик жараёнларнинг юқори частотада учраши билан характерланди. Ишончли тарзда

кўпинча назорат гуруҳидаги 14 нафар ўқувчига ( $32,6 \pm 7,1\%$ ) нисбатан САГ бўлган 14 нафар болаларда ( $63,6 \pm 10,3\%$ ,  $p < 0,05$ ) ва ЛАГ бўлган 15 нафар ўқувчиларда ( $60,0 \pm 9,8\%$ ,  $p < 0,05$ ) ўзига хос характерга эга бўлмаган ўртача интенсивликдаги бош оғриғи бўйича шикоят қайд этилди. Астеноневротик характерга эга бўлган шикоятлар ҳам асосий гуруҳдаги болалар учун хос бўлди: назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан тез чарчаш мос равишда САГ ва ЛАГ бўлган болаларда  $63,6 \pm 10,3\%$ , ( $p < 0,01$ ) ва  $52,0 \pm 9,9\%$ , ( $p < 0,05$ ), тунги уйқунинг бузилиши стабил АГ бўлган болаларнинг 12 нафарида ( $54,5 \pm 10,6\%$ ,  $p < 0,05$ ), ЛАГ бўлган 13 нафар ( $52,0 \pm 9,9\%$ ,  $p < 0,05$ ) болаларда ва назорат гуруҳидаги 10 нафар болаларда ( $23,3 \pm 6,4\%$ ). Стабил АГ бўлган болаларда ЭКГда, кўпинча, соғлом болаларга нисбатан синусли тахикардия ( $18,2 \pm 8,2\%$  ва  $2,3 \pm 2,2\%$ ,  $p < 0,05$ ), Гис тутамлари ўнг оёқчасининг тўлиқ бўлмаган АВ-блокадаси ( $4,5 \pm 4,4\%$  ва  $0\%$ ) қайд этилган. Шунингдек, реполяризация жараёнларининг бузилиши  $13,6 \pm 7,3\%$  ҳолатларда фақатгина САҚБ бўлган болаларга хос бўлди. Чап қоринча гипертрофиясининг ЭКГ белгилари аниқланмади.


Липидлар алмашинуви бўйича шу нарса аниқландики, ЛАГ ( $1,07 \pm 0,04$ ,  $p < 0,05$ ) ва САГ ( $1,0 \pm 0,05$ ,  $p < 0,05$ ) бўлган болалар гуруҳларида ЮЗЛ (ммоль/л) назорат кўрсаткичларига нисбатан ишончли тарзда паст бўлди. Бироқ САҚБ бўлган болалар гуруҳида ПЗЛ даражаси ( $2,89 \pm 0,11$ ,  $p < 0,05$ ) назорат кўрсаткичларига ( $2,55 \pm 0,11$ ) нисбатан ишончли тарзда юқори бўлди, САГ ва ЛАГ бўлган болаларда атерогенлик коэффициенти (АК) назорат кўрсаткичига нисбатан, мос равишда, 1,5 ва 1,3 барабар юқори бўлган, ЮМАҚБ бўлган болалар гуруҳида эса меъёр атрофида бўлган. АГ бўлган болаларда ЮЗЛ  $< 1,0$  ммоль/л кўрсаткичи ( $RR=2$ ,  $AR=50,8\%$ ), ЮМАҚБ бўлган болалар гуруҳи учун эса ПЗЛ  $> 2,69$  ммоль/л кўрсаткичи ( $RR=2,1$ ,  $AR=52,2\%$ , мос равишда) учрашининг частотаси энг аҳамиятли ҳисобланди.

Вегетатив нерв тизимининг (ВНТ) тизимли ва кўп компонентли жараёнларининг 62 нафар ўқувчи болаларда ЭАГнинг шаклланишига таъсири КИГ маълумотлари, Кердо индекси ва қон айланишининг ўз-ўзини регуляция қилиш типининг (ТСК) фенотипик хусусиятларига кўра баҳоланди. КИГ маълумотларига ишлов бериш қуйидаги қонуниятларни аниқлашга имкон берди: гиперсимпатикотоник дастлабки вегетатив тонусининг (ДВТ) устунлик қилиши билан симпатик регуляциянинг таранглашиши (назоратдаги  $0,0\%$  га нисбатан САГ бўлган болаларда  $41,7\%$ ,  $p < 0,05$ ), САГ ( $p < 0,05$ ), ЮМАҚБ ва ЛАГ бўлган болаларда Мо бўйича гуморал омиллар таъсирининг паст даражада бўлиши, бу эса хаддан ташқари зўриқиш ва адаптациянинг бузилиши хавфини билдиради. САГ бўлган болаларда ортостазда гиперсимпатикотоник реактивлик устунлик қилган, бу вегетатив нерв фаолиятининг маълум даражада беқарор эканлиги ва организм компенсатор механизмнинг кескин таранглашганини кўрсатади. ЛАГ бўлган болаларда ( $41,7\%$ ) асимпатикотоник реактивликнинг учраши назорат, ЮМАҚБ ва САГ ( $15,0\%$ ,  $38,9\%$ ,  $25,0\%$  мос равишда) бўлган гуруҳларга нисбатан энг юқори бўлган. Кердо индекси бўйича ВНТнинг ЮМАҚБга таъсир кўрсатишининг энг катта частотаси ( $13/65,0 \pm 10,7\%$ ) ва мос равишда симпатик таъсир кўрсатишининг ( $3/15,0 \pm 7,9\%$ ) энг кам частотаси билан назорат гуруҳидаги болаларда аниқ-


ланган. Тўлиқ ТСК параметрларига нисбатан ҳам айнан шундай тенденция кузатилиб, бу ерда юрак компонентининг устунлиги билан қон айланиши регуляциясининг ўзгаришлари назорат гуруҳига нисбатан САГ ( $p < 0,001$ ) бўлган болалар гуруҳида аниқланган.

Кортизол даражасининг таққосланаётган параметрлари 62 нафар болада меъёрий диапазондан четга чиқмаган. Бироқ болаларда кортизол  $>402,2$  нмоль/л даражасининг аниқланиши ЛАГ шаклланишида эҳтимоллар нисбатини 2,3 бараварга (ШН=2,3, НХ=1,7) ва мос равишда САГнинг 3,3 бараварга (ШН=3,3, НХ=1,93), шунингдек, ЮМАҚБнинг 1,2 бараварга (ШН=1,2, НХ=1,1) сақланиб қолишини оширган.

Иммун тизимли яллиғланиш ЮҚТК, жумладан, ЭАГнинг ҳам ривожланишида асосий механизмлардан ҳисобланади. Шу боисдан тадқиқотнинг ушбу босқичида таҳлил қилинаётган гуруҳдаги 78 нафар болада CRPhs, ФНО- $\alpha$  ва ИЛ-10 даражалари таҳлили олиб борилди. CRPhs индивидуал миқдорининг кўлами катта бўлди ва 0,01 дан 4,71 мг/л гачани ташкил қилди (2-расм). АҚБ меъёрида бўлган болалар параметрларига нисбатан САГ ( $p < 0,05$ ), ЛАГ ( $p < 0,05$ ) ва ЮМАҚБ ( $p < 0,05$ ) бўлган болаларда CRPhsни аниқлаш юқори даражада сезгирликка ( $Se=87,5\%$ ) ва ўзига хосликка ( $Sp=86,2\%$ ), бироқ ўрта даражадаги валидликка (73,7%) ва етарлича юқори даражадаги диагностик самарадорликка (86,7%) эга бўлган. ФНО- $\alpha$  ишлаб чиқарилиши ва ИЛ-10 фаоллиги орасида қонунийлик ўрнатилди. Бунда САГ бўлган болалар гуруҳида ФНО- $\alpha$  ( $p < 0,05$ )нинг ишончли юқори даражаси ИЛ-10 нинг етарлича ишлаб чиқарилмаслиги билан ассоциацияланди. Бироқ ЮМАҚБ бўлган болаларда ИЛ-10 ( $p < 0,05$ )нинг юқори концентрацияси ФНО- $\alpha$  нинг анча паст даражаси ( $r=-0,35$ ,  $p < 0,05$ ) билан боғлиқ (3-расм).



2-расм. Таҳлил қилинаётган гуруҳ болаларининг қон зардобида CRPhs даражасининг ўртача параметрлари



3-расм. Таҳлил қилинаётган гуруҳ болаларининг қон зардобида ФНО- $\alpha$  ва ИЛ-10 даражаларининг ўрта қийматлари

Назорат гуруҳида CRPhs ва кортизол даражалари, ФНО- $\alpha$  ва ИЛ-10 ( $r=0,34$ ,  $p<0,05$ ,  $r=0,28$ ,  $p>0,05$  ва  $r=0,28$ ,  $p>0,05$  мос равишда) орасида ўзига хос корреляцион алоқа ўрнатилди. CRPhs ва кортизол даражалари орасидаги алоқа ЮМАҚБ гуруҳида кучайди ( $r=0,42$ ,  $p<0,01$ ).

Шундай қилиб, 14–15 ёшли болалар ЭАГ касаллигига мойил бўлиб, АГ бўлган 15 ёшли болаларнинг, 14 ёшда эса кўпинча ЮМАҚБ бўлган болаларнинг ишончли устунлиги кузатилган, бунда иккала гуруҳда ҳам қиз болаларга нисбатан ўғил болалар устунлик қилган. ЭАГ шаклланишининг ишончли хавф омиллари бўлиб қуйидагилар: наслида ЮҚТКнинг мавжудлиги (ШН=7,83), МАТнинг перинатал шикастланиши (ШН=7,4), кам вазн билан туғилиш (ШН=6,2), нораціонал овқатланиш билан кам жисмоний фаоллик (ШН=5,2 ва 5,3 мос равишда) ҳамда 6 ойгача сунъий овқатлантириш ва ҳаётининг дастлабки 2 йилида дисгармоник жисмоний ривожланиши (ШН=3,98 ва 2,6) ҳисобланган. Болаларда ЭАГнинг клиник кечиши субклиник хусусиятга эга бўлиб, функционал оғишлар, патологик жараёнлар ҳамда вегетореактивликнинг бузилиши билан ассоцияланган. АГ бўлган болаларда ВНТнинг зўриқиб ишлаши: гуморал омилларнинг ( $p<0,05$ ) паст даражадаги таъсири билан гиперсимпатикотоник ДВТнинг ишончли устунлиги ( $p<0,001$ ,  $AR=0,33$ ); ортостатик синамада КИГ параметрлари билан ишончли корреляцион алоқаларнинг мавжудлиги, қон зардобида кортизол даражасининг ошиши билан намоён бўлувчи ортостазда дисадаптив реакциялар (гиперсимпатикотоник вегетатив реактивлик – 45,8% (ШН=1,3,  $RR=1,2$ ) ва асимпатикотоник вегетатив реактивлик – 33,3% (ШН=2,8,  $RR=2,2$ , мос равишда) ифодаланганлиги билан характерланган. Касалликнинг кечиши ЭАГнинг шаклига боғлиқ ҳолда юқори даражада сезгир бўлган СРО (CRPhs), ФНО- $\alpha$  миқдорлари ошиши ва ИЛ-10 нинг пасайиши билан ифодаланган субклиник яллиғланиш жараёни билан характерланган.

Диссертациянинг “Эндотелиал дисфункциянинг гемодинамик детерминантлари ва уларнинг болаларда эссенциал артериал гипертензиянинг шаклланишидаги роли” деб номланган тўртинчи бобда таҳлил қилинган гуруҳдаги 97 нафар болада ўнг ва чап УУА ва ЕАни рангли дуплексли сканерлаш параметрлари бўйича томирлар эндотелийсининг функционал ҳолати ёритиб берилган. Асосий гуруҳда ўнг УУА интима-медиа комплекси қалинлигининг (ИМКК) ўртача қиймати ( $0,65\pm 0,03$ мм) назорат ( $0,53\pm 0,025$ мм,  $p<0,001$ ) ва ЮМАҚБ ( $0,56\pm 0,03$  мм,  $p<0,001$ ) гуруҳидаги болалар кўрсаткичларидан ишончли тарзда юқори бўлган. ИМКК ошишининг айнан шундай тенденцияси, ишончли тафовутли хусусиятлар билан, чап УУА бўйича ҳам кузатилган. Систолада 7,3% га, ишончли тафовутлар билан назорат кўрсаткичига ўхшаш диастолада 12,5% га пасайиб УУА диаметрининг энг кичик кўрсаткичи АГ билан оғриган болаларда кузатилган ( $p<0,001$ ,  $p<0,001$ , мос равишда). Шунингдек, қон оқими систолик тезлигининг 2,1% ва назоратга нисбатан ЮМАҚБ бўлган болаларда 0,7% га ошишга мойиллиги АГ билан оғриган болаларда кузатилган. Бу эндотелийнинг томирни ҳаракатлантирувчи функциясининг бузилганлиги маркери бўлиб, бошқа параметрлар билан таққосланганда, АГ ривожланишида анча аввал намоён бўлади.

Ушбу тадқиқотда ЕАнинг эндотелийга боғлиқ вазодилатацияси Celer-  
majer ва хаммуалифлар (1992 й.) томонидан таклиф этилган, Т.В.Балахонова  
томонидан ўзгартирилган (1998 й.) реактив гиперемия билан синаманинг  
ўтказилиши орқали баҳоланган. Артериянинг дастлабки диаметри тикланга-  
нидан сўнг 500 мкг нитроглицерин сублингвал қўллангач, ЕА диаметрини  
ўлчаши орқали эндотелийга боғлиқ бўлмаган вазодилатация (ЭНЗД) баҳолан-  
ган. Қон оқимининг кучайиш реакцияси дастлабки ва реактив гиперемия  
фонида диаметрлар тафовути асосида таҳлил қилинган. АГ бўлган болаларда  
ЕА диаметрининг  $2,86 \pm 0,19$  мм гача катталашгани аниқланган, бу назорат ва  
ЮМАҚБ гуруҳлари билан таққосланганда 1,2 ва 1,1 бараварга кам бўлган  
( $p < 0,05$ ,  $p < 0,05$ , мос равишда). ЛАГ ва САГ гуруҳларида ЕА диаметрининг  
катталашини назорат ва ЮМАҚБ гуруҳидагига ( $p < 0,001$ ,  $p < 0,001$ , мос ра-  
вишда) нисбатан кам бўлган. Ўхшаш тенденция ЕАнинг ЭБВДда ҳам иккала  
асосий гуруҳда ( $p < 0,001$ ,  $p < 0,001$ , мос равишда) ЕА дилатацияси кўрсаткич-  
ларининг ишончли пасайиши билан кузатилган. Пурсело резистивлиги  
индекси АГ бўлган болаларда бир текисда ишончли ошган ва САГ, ЛАГ ва  
ЮМАҚБ бўлган болалар гуруҳида максимал ( $p < 0,001$ ,  $p < 0,001$ ,  $p < 0,001$ , мос  
